

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5230800 - Солиқлар ва солиққа тортини бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....</i>	4
1.2.1.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.1.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларига кўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.2.	<i>5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиси бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми .....</i>	9
	Библиографик маълумотлар.....	9

## **1. 5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналишининг умумий тавсифи**

**5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши** бакалаврлар тайёрлаш күндері, кечки ва сирткі таълим шаклларида амалға оширилады. Бу таълим шакли бүйічі шарт кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинады. Фан дастурларининг назарий ва амалий машгұлолтарини түлік үзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан мұваффақиятлы үтган талабага «бакалавр» даражасы ҳамда олий маълумот түғрисидаги давлат намунасидағы расмий құжжат(лар) - тегишли йұналиши бүйічі квалификацияси киристилген «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг бакалавриат таълим йұналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бүйічі үқишини давом эттириш ҳуқуқига эга. Күндері таълимда бакалавриат дастурининг меъерий муддати 4 йил.

### **1.1. Құлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши Малака талабининг құлланилиши.**

Малака талаби 5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши бүйічі бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмuinи ифодалайды.

#### **1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йұналиш бүйічі малака талаблари, үқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқыш ва янгилаш, улар асосида үқув жараёнини самарали амалға ошириш учун масъул ҳамда үз ваколат доирасыда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасыга жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, үқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-үқитувчилари;

- таълим йұналишининг үқув режаси ва фан дастурларини үзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалға оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бүйічі ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига үқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манбаатдор шахслар.

#### **1.2. 5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши бүйічі бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши бүйічі бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

5230800 - Соликлар ва солиққа тортиниң таълим йұналиши – иқтисодиёт ва молия соҳасидаги таълим йұналиши бўлиб, у үз ичига давлат солик хизмати органлари тизимида солик маъмурчилигини ташкил этиш, молия органларида соликларни бошқариш, режалаштириш ва прогноз килиш, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда, солик маслаҳати ташкилотларида солик маслаҳати хизматларини кўрсатиш, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат бирлашмалари, давлат бошқарувчи органлари, солик маданиятигининг функционал тизимларини ишлаб чиқувчи ва тарғиб қилувчи бирлашмалар, жамгармаларнинг фаолият кўламини қамраб олади.

**1.2.2. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортин таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

Давлат солиқ хизмати органлари ва солик тўловчилар ўртасидаги солиққа оид муносабатлар, солик-бюджет тизими, солиқ маъмурчилиги, солиқ назорати, солик маслаҳати ҳамда солиқ ҳисоботидаги жараёнлар мажмуаси ҳисобланади.

**1.2.3. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортин таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иктисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув;
- назорат-тафтиш;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортин таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5230800 - Солиқлар ва солиққа тортин таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувоғиқ бакалаврият битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Молиявий-иктисодий фаолиятида:**

- инновацион ривожланиш асосида барқарор иктисодий ўсишни таъминлашга қаратилган фискал-бюджет сиёсатини амалга ошириш;
- солиқ конунчилигига риоя килинишини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишини, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган прогноз кўрсаткичларни бажариш;
- муддатида тўланмаган солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш;
- давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шунингдек давлат органларига берилган мол-мulk ҳисобини назорат қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларга зарур имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш.

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- молия ёки давлат солиқ хизмати органларида солик тушумларини таҳлил қилиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш, ҳудудлар ва иктисодиёт тармоқларининг солик салоҳиятини аниқлаш;
- давлат солиқ хизмати органларида жорий қилинган дастурий маҳсулларда ишлаш ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда ахборот-таҳлилий ишларни олиб бориш;
- солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлик бўлган объектларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, солиққа оид маълумотларнинг ягона электрон базасини юритиш;
- солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон шахсий карточкаларини юритиш ва солиқ тушумларининг тезкор электрон бухгалтерия ҳисобини олиб бориш;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйічә имтиёзлар ҳисобини юритиш, солик тұловчиларга солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлардан солик қарзи мавжуд әмаслиги ҳақида электрон маълумотномалар бериш;

– солик тұловчилар томонидан солик мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш;

– солик қарzlари пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш ва уларни кискартириш чораларини кўриш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– давлат солик хизмати органлари ишини ташкил қилиш ва фаолиятини бошқариш;

– солик ишини ташкил этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва ресурсларни режалаштириш;

– инновацион ахборот-коммуникация технологияларини кўллаган ҳолда солик маъмурчилигини ташкил этиш;

– инновацион ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;

– солик солиши амалиётида юз берган муаммоларни ечиш йўлларини излаш, илғор тажриба ва синалган методларни амалиётга татбик этиш;

– хизмат вазифаларини бажариш чогида унга маълум бўлган хизмат сирлари ва бошқа маълумотларни, шунингдек давлат сирларини сақлаш, уларнинг ошкор этилишига йўл кўймаслик;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режаси тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг солик солиши ва солик қонунчилиги бузилиши масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиши;

– фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиши ва қонуний тартибда ҳал этиши.

#### **Назорат-тафтиш фаолиятида:**

– солик тұлашдан бўйин товлаётган шубҳали солик тұловчиларни аниқлаш;

– назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

– солик текширувларини ўтказиш, солик тұловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш, бухгалтерия ҳисоблари, статистик, солик ва молиявий ҳисботлар ҳаққонийлигини текшириш;

– пул маблағларининг ноконуний айланиши манбаларига бархам бериш чораларини амалга ошириш, ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан солик текширувларини ташкил қилиш;

– савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, шу жумладан назорат-касса машиналарини, пластик карточкалардан тұловларни қабул қилиб олиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўлланиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни ўтказиш;

– бозорлар, савдо комплекслари худудларида ва уларга туташ бўлган автомобилларни вақтингчалик саклаш жойларида молиявий-иктисодий ҳамда солик соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг худудларида сифатсиз, қалбакилаштирилган, контрафакт ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашишни ташкил этиши;

- бошқа мажбурий тұловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назоратни амалга ошириш;
- солиқ соҳасида хукуқбузарликка йүл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонунчиликда белгиланган молиявий ва бошқа жазо чораларини қўллашни таъминлаш;
- тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда солиққа тортиш жараёни бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- солиқ маъмурчилигига бағишлиланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ҳамда тизимлаштириш;
- солиқлар ва солиққа тортиш жараёнидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган холда кидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш..

### **2. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортиши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

#### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- давлат бюджети, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджет, бозор иқтисодиётининг моҳияти ва белгилари, миллий иқтисодиёт ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари, бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли, хўжалик ҳисобининг мазмuni, вазифаси ва аҳамияти, бухгалтерия ҳисобининг предмети ва методи, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқaro стандартлари, молиявий ҳисбот, унинг тузилиши ва мазмuni, счетлар тизими ва иккиёқлама ёзув, хужжатлаштириш ва инвентаризация, молиявий ҳисбот, бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шаклларининг асосий тушунчаларини ўзлаштириш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни прогноз қилиш, ҳисоблаш, бюджетга ундириш, имтиёзларни қўллаш тартиблари ва усуларидан фойдалана билиш;
- тадбиркорлик субъектларини солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиш ва улар бўйича ягона реестр юритиш, солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиш, хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг хужжатли текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиблари, солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчи мол-мулкига каратиш, давлат солиқ хизмати органларида ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари ҳамда уларни кўриб чиқиш тартибининг назарий жиҳатларини ўзлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қарзи суммалари ҳамда дебитор-кредитор қарзларининг келиб чиқиш сабабларини, солиқ элементларининг солиқларни прогнозига таъсирининг таҳлилини, солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши назоратининг хуқуқий асосларини, хўжалик субъектлари фаолияти бўйича давлат назоратининг ташкил этилиши асосларини амалда қўллай олиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг назарий, амалий ва хуқуқий асосларини билиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар**

Участка солиқ инспектори, солиқ хизматининг инспектори, солиқ хизматининг маслаҳатчиси, солиқ хизматининг Давлат маслаҳатчиси, мустақил солиқ маслаҳатчиси, молия бўлими ходими, бухгалтер, аудитор, банк ходими, сугурта агенти, божхона органлари ходими квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

## **3. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортини мазмуннига қўйиладиган йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортини мазмуннига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқлади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5230800 - Солиқлар ва солиққа тортиш бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чикаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофик:

Ўкув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

### **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

#### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, солик, солиққа тортиш, солик тизими, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чикувчилар, келишилган олий таълим муассасалари ҳамда  
кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент молия институти

Ректор в.в.б С.У.Мехмонов

2020 йил « 23 » 07



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Раис ўринбосари М.М.Махкамов

2020 йил « 23 » 07

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий таълимий ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбик этиш маркази

Директор З.Хакимов

2020 йил « 24 » 07

М.Ў.



Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Ректор К.А.Шарипов

2020 йил « 25 » 07

Тошкент молия институтининг 5230800 - *Солиқлар ва солиққа тортши*  
бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўкув режасини ишлаб  
чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“23” июн 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси ўринbosари  
М.Махкамов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур  
келишув далолатномасини қўйидагилар ҳакида туздик:

1. 5230800 – “*Солиқлар ва солиққа тортши*” бакалавриат таълим йўналиши  
бўйича малака талаби ва ўкув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш  
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли,  
“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта  
устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва ракамли  
иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури  
тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил  
9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини  
таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳамда  
Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. 5230800 – “*Солиқлар ва солиққа тортши*” бакалавриат таълим йўналишини  
малака талаби ва ўкув режаларини ишлаб чиқиша турдош олий таълим  
муассасалари – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-  
ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси мутахассислари  
ўз фикр-мулохазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230800 – “*Солиқлар ва солиққа тортши*” бакалавриат таълим йўналиши  
кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси  
мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш  
мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси мутахассисларининг таклифлари  
5230800 - *Солиқлар ва солиққа тортши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича  
малака талаб ва ўкув режани мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака талаб ва ўкув режани  
ўкув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.



Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солик қўмитаси раиси  
ўринbosари  
М.М.Махкамов



Тошкент молия институти  
ректори в.в.б.

С.У.Мехмонов

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**  
**5230800 - Соликлар ва соликқа тортиши бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига**  
**киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битиравчилари касбий фаолиятларига**  
**қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		<b>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битиравчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b>
	шифри	номи	
1.	5230800	Соликлар ва соликқа тортиш (бакалавриат)	<p><b>Битиравчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Давлат бюджети, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджет, бозор иқтисодиётининг моҳияти ва белгилари, миллий иқтисодиёт ва унинг иқтисодий қўрсаткичлари, бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли, хўжалик ҳисобининг мазмуни, вазифаси ва аҳамияти, бухгалтерия ҳисобининг предмети ва методи, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари, молиявий ҳисбот, унинг тузилиши ва мазмуни, счетлар тизими ва иккӣёқлама ёзув, хужжатлаштириш ва инвентаризация, молиявий ҳисбот, бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шаклларининг асосий тушунчаларини ўзлаштирган бўлиши;</li> <li>– солик назариясини, солик тўғрисидаги конун хужжатларини, шу жумладан солик солиши объектлари ва субъектлари, солик солишининг принциплари, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини, солик муносабатлари субъектларининг хукуқ ва мажбуриятларини ўзлаштирган бўлиши;</li> <li>– соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни прогноз қилиш, ҳисоблаш, бюджетга ундириш, имтиёзларни кўллаш тартиблари ва усулларидан фойдалана билиши;</li> <li>– соликларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда кўлланиладиган қўрсаткичлар ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини ўзлаштирган бўлиши;</li> <li>– тадбиркорлик субъектларини солик тўловчи сифатида рўйхатга олиш ва улар бўйича ягона реестр юритиш, солик тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиш, хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг хужжатли текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиблари, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишдан (тафтишдан) ўтказиш, нақд пул билан муомала қилувчи хўжалик субъектлари томонидан савдо ва хизмат қўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш, хўжалик</li> </ul>

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланा�ётган бакалавриат таълим йўналиши		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари қасбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (қасбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
			<p>субъектлари фаолиятининг текширилиши натижасида тайёрланадиган текширув материалларини расмийлаштириш, текширув материалларини шакллантириш ва рўйхатдан ўтказиш, соликка оид хукуқбузарликлар бўйича маъмурий амалиёт юритиш, солик қарзи бўйича ундирувни солик тўловчи мол-мулкига қаратиш, давлат солик хизмати органларида ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари ҳамда уларни кўриб чиқиш тартибининг назарий жиҳатларини ўзлаштирган бўлиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– хўжалик юритувчи субъектларнинг соликкарзи суммалари ҳамда дебитор-кредитор карзларининг келиб чиқиш сабабларини, солик элементларининг соликларни прогнозига таъсирининг таҳлилини, солик тўловчилар томонидан солик қонунчилигига риоя қилиниши назоратининг хукуқий асосларини, хўжалик субъектлари фаолияти бўйича давлат назоратининг ташкил этилиши асосларини амалда кўллай олиши;</li> <li>– замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг назарий, амалий ва хукуқий асосларини ўзлаштирган бўлиши.</li> </ul>

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланा�ётган ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, қўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш турдаги” 343-сон қарори билан тасдиқланган.

Тошкент молия институти ректори в.в.б.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси рапори ўринбосары

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори

С.У.Мехмонов

М.М.Махкамов

К.А.Шарипов



**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган  
5230800 - Солиқлар ва солиққа тортшии бакалавриат  
таълим йўналиши бўйича малака талабига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

*5230800 - Солиқлар ва солиққа тортшии бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабларини ишлаб чиқида кўйидаги меъёрий-ҳукукий хужжатларга асосланилди:*

1. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги З-сонли Қарори;

2. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

3. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

4. Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

5. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Узбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони;

6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони;

7. Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўкув йилида Узбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарори;

8. Узбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

9. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўкув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли бўйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқища бакалавриат таълим йўналиши битиувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамоийиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий қўнишка шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланди.

Ўкув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битиувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-коидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат килиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, бу таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқища муҳим аҳамият касб этди

*5230800 - Солиқлар ва солиқча тортиши бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илгор меъёрлари киритилди.*

Малака талабини ишлаб чиқища мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш билан бирга, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

“Солиқлар ва солиқча тортиши”  
кафедраси мудири



и.ф.и., доц. А.Аманов

**5230800 – Соликлар ва солиқка тортиш таълим йўналиши бўйича бакалавриат давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Таълим жараёни</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси (бакалавр)</b>	<b>Америка Кўшма Штатлари</b>	<b>Латвия, Литва, Эстония</b>	<b>Россия Федерацияси</b>	<b>Англия</b>
<b>1.</b>	<b>Бошланиши</b>	4 йил ўрга мактаб, лицей ва касб хунар коллежидан сўнг	4 йил коллеждан сўнг	3-4 йил мактаб таълими ва ўрга таълим ваколлеждан сўнг	4 йил мактаб ва коллеждан дан сўнг	Мажбурий ўрга таълимдан сўнг 3-5йил коллеждан сўнг
<b>2.</b>	<b>Давомийлиги</b>	4 йил	3 йил	3-4 йил	4 йил	3 йил 5-7 йил медицина ва архитектура
<b>3.</b>	<b>Таълим олувчилик сони</b>	15-30	20 ва ундан кўпроқ	20 ва ундан кўпроқ	15-25	20 ва ундан кўпроқ
<b>4.</b>	<b>Таълим тури</b>	кундузги	кундузги	кундузги	Кундузги ва кечки	кундузги
<b>5.</b>	<b>Билим соҳаси</b>	230 000 - Иқтисод	Бизнес	43310-Иқтисод	080 100 – Экономика	Бизнес
<b>6.</b>	<b>Мутахассислиги</b>	“Соликлар ва солиқка тортиш”	Молия ва кредит, Молия ва бошқарув	Молия ва бизнес, Халқаро бизнесни бошқариш, Ижтимоий иқтисодиёт	“Соликлар ва солиқка тортиш” Солик маъмурчилиги, Солик назорати	Бизнесни бошқариш, Молия ва бизнес
<b>7.</b>	<b>Дараҷа</b>	Бакалавр	Бакалавр	Бакалавр	Бакалавр	Касбий таълим (Бакалавр)
<b>8.</b>	<b>Жами ўқиши хафтаси</b>	4- йиллик 204 хафта	4-йил 204 хафта	3-йил 120 хафта (300 -360 ECTS)	1-йиллик 208 хафта	3-йил 120 хафта
<b>9.</b>	<b>Ўқишига қабул қилиш</b>	Давлат гранти ва контракт тўлови асосида қабул қилинади	Пуллик контракт тўлови асосида қабул қилинади	Пуллик контракт тўлови асосида қабул қилинади	Пуллик контракт тўлови асосида қабул қилинади	Пуллик контракт тўлови асосида қабул қилинади
<b>10.</b>	<b>Амалиёт турлари</b>	Ўкув-танишув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти, битирув олди	Ўкув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти	Ишлаб чиқариш амалиёти	Ўкув амалиёти олий таълим муассаларида ўтказилади.. Ишлаб	Ишлаб чиқариш амалиёти

		амалиёти			чикариш амалиёти молия, солик органлари ва кредит ташкилотлари ўтказилади.	
11.	<b>Амалиётта чиқиши даври</b>	2-3-4 курсда Давлат солик хизмати органларида ДСҚ, ДСБ ва ДСИ	3-курсда Газначилик, Молия органлари, банк ва кредит ташкилотлари	3-4 курсда Молия органлари, банк, сугурта ва кредит ташкилотлари	Факат 4-курсда ишлаб чикариш амалиёти	3-5 курсда Молия органлари, банк ва кредит ташкилотлари
12.	<b>Таълим берувчи профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти</b>	Умумий илмий салоҳият камидаги 50 фойизни ташкил этиши. Иқтисод фанлари номзоди ва фан докторлари дарс бериши лозим	Илмий даражаси илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар назарий дарс машғулотларини олиб борадилар.	Илмий даражаси илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар назарий дарс машғулотларини олиб борадилар.	Умумий илмий салоҳият камидаги 60 фойизни ташкил этиши. Иқтисод фанлари номзоди ва фан докторлари дарс бериши лозим.	Илмий даражаси илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар назарий дарс машғулотларини олиб борадилар.
13.	<b>Талабанинг ўқув юкламаси, аудигория соатлари тури</b>	Маъруза, амалий, лаборатория, семинар, курс иши ва мустақил таълим.	Маъруза, амалий, семинар ва мустақил таълим.	Маъруза, амалий, семинар, ва мустақил таълим.	Маъруза, амалий, маслаҳат соати ва мустақил таълим.	Маъруза, амалий, маслаҳат соати, семинар, ва мустақил таълим.
14.	<b>Талабанинг назорат шакллари</b>	Ёзма, тест, савол-жавоб	Ёзма, тест, савол	Ёзма, тест, савол-жавоб	Ёзма, тест, савол-жавоб	Ёзма, тест, савол-жавоб
15.	<b>Фан бўйича назорат турлари</b>	Оралиқ назорат ва якуний назорат	Оралиқ назорат ва якуний назорат	Оралиқ назорат ва якуний назорат	Оралиқ назорат ва якуний назорат	Оралиқ назорат ва якуний назорат
16.	<b>Баҳолаш шакли</b>	Кредит-модуль тизими бўйича хар курсда 60 кредит, жами 240 кредит	Рейтинг тизими бўйича 100 баллик	Рейтинг тизими бўйича йиллик 60 баллик жами 240 балл	“2”, “3”, “4” ва “5” баҳоларда баҳоланади.	Рейтинг тизими бўйича 4 йилда 260 баллик
17.	<b>Ўқув режасида ўқитилаётган ихтисослик</b>	Соликлар ва соликка тортиш, солик маъмурчилиги, чет	Молия, бизнес ва бошқарув, бухгалтерия хисоби, молия ва солик менежменти, солик	Молия ва солик, бизнес ва бошқарув, солик менежменти, солик	Россия солик тарихи, солик хукуки, юридик шахсларни соликка	Бизнесни бошқариш. молия ва бизнес, молиявий менежмент,

	<b>фандар</b>	мамлакатлар солиқ тизими.	статистикаси, молия менежменти, давлат молияси, корхоналар молияси, солиқ ҳисоби,	статистикаси, компанияларни солиқка тортиш, солиқ маслахати,	тортиш, жисмоний шахсларни солиқка тортиш, солиқ маъмурчилиги, солиқ органларининг фаолиятини ташкил этилиши, солиқ текширувларини ўқазиш методикаси, солиқка тортишда информацион технологиялар, солиқ маълумотларни қайта ишлаш.	маркетинг, бизнесда солиқ, компанияларни солиқка тортиш, солиқ тўловчиларга масалаҳат
18.	<b>Ўқиши ва имтиҳон топшириш тили</b>	Ўзбек ва рус тили	Инглиз тили мажбурий ва бошқа тиллар ихтиёрий	Имтиҳон топшириш Литва тилида мажбурий ва танланш хуқуки ихтиёрий 3-хил тилда	Рус тили ва чет тили ихтиёрий	Инглиз тили мажбурий ва бошқа тиллар ихтиёрий
19.	<b>Имтиҳонлар (сессия)</b>	Ҳар семестр якунида ва йил якунида ўтказилади.	Ҳар семестр якунида ва йил якунида ўтказилади.	Ҳар семестр якунида ва йил якунида ўтказилади.	Ҳар семестр якунида йиллига 3-марта. Декабрь, март ва июнь ойларида ўтказилади.	Ҳар семестр якунида ва йил якунида ўтказилади.
20.	<b>Битиргандан сўнг бериладиган хужжат</b>	Бакалавр даражаси	Бакалавр даражаси	Бакалавр даражаси	Бакалавр даражаси	Бакалавр даражаси
21.	<b>Кадрларга буюргиччи</b>	Давлат солиқ кўмитаси	Молия органлари, банк ва кредит ташкилотлари	Молия органлари, банк ва кредит ташкилотлари	Молия органи, Федерал солиқ хизмати	Молия органлари, банк ва кредит ташкилотлари
22.	<b>Талабаларни (абитурентларни) ОТМга жалб қилиш</b>	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва ОТМлар	Олий таълим муассасалари	Олий таълим муассасалари	Олий таълим муассасалари	Талабаларни ўқишига жалб қилиш марказий бюроси UCAS (Universities and

						Colleges Admissions Service).
23.	<b>ОТМга ўқишга кириш тартиби ва абитурентнинг ёши</b>	Тест синовлари ўтиш бали бўйича	Тест синовлари ўтиш IELTS/TOEFL бал тизими бўйича ўқишга кириш	Тест синовлари ўтиш бали бўйича	Тест синовлари ўтиш бали бўйича 18 ёшдан	Тест синовлари Бахолашнинг «A», «B», «C», «D», «E»A-level 4,5-5,5 IELTS бал тизими бўйича ўқишга кириш 18 ёшдан
24.	<b>Иш билан таъминланиши</b>	Давлат солик хизмати органларига мутахассис тайёрланади	Газначилик, Молия органлари, банк, сугурта, кредит ташкилотлари ва компаниялар	Молия органлари, банк, сугурта, кредит ташкилотлари ва компаниялар	Молия органлари, Федерал солик хизмати органи, аудиторлик ташкилотлари, кредит ташкилотлари ва корхоналар	Молия органлари, Федерал солик хизмати органи ва кредит ташкилотлари
25.	<b>Малака ошириши тизими</b>	Ўқишини тамомлаганидан сўнг ҳар 1-3-йилда ОТМларда: Молия институти ва ДСҚда малака оширади.	Ўқишини тамомлаганидан сўнг Олий таълим муассасалари ва Молия органларида малака оширади.	Ўқишини тамомлаганидан сўнг Олий таълим муассасалари ва Молия органларида малака оширади.	Ўқишини тамомлаганидан сўнг Олий таълим муассасалари ва Молия органларида малака оширади.	Талабалар ўкиш даврида ўқищдан кейин корхона ва ташкилотларда малака оширади.

**Изоҳ:** Соликлар ва соликқа тортиш мутахассислиги ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка, Осиё, МДХ давлатлари молия ва соликқа тортиш тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда тайёрланаётган “Соликлар ва соликқа тортиш” мутахассислиги давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равища бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари билан ажralиб туради.

“Соликлар ва соликқа тортиш” кафедраси  
мудири, и.ф.н., доц.



А.Аманов